



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShqARUVINING QARORI

### Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ–5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



М. Нурмуратов

Тошкент ш.,  
2018 йил “18” август,  
27/8 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2018 йил “18” августдаги  
27/8-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг саккизинчи хатбошисидаги “ўттиз” деган сўз “ўн беш” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

